

МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР АСАРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ АҲАМИЯТИ

Monumental pictorial masterpieces of significant spiritual

Туяков Жамолиддин

К.Беҳзод номидаги МРДИ

2-курс магистранти

Аннотация

Маҳобатли рангтасвир санъатининг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Маҳобатли рангтасвир асарлари инсоннинг мураккаб ақл – заковати, тафаккурини, табиатда содир бўлиб турадиган катта – кичик ўзгаришларни, узлуксиз фалсафий гоялар ва фантастик образларни таъсирчан ифодалашга қодир. Улар ҳозирги замон кишинини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Аннотация

Роль монументальной живописи в жизни общества безмерно. Произведения монументальной живописи способны впечатлительно выразить сложный ум и сообразительность человека, разные изменения, происходящие в природе, непрерывные философские идеи и фантастические образы. Они имеют большое значение при воспитании человека в национально-патриотическом духе.

Annotation

Monumental pictorial art is one of the boundlessly in our society. Monumental pictorial art is complication intellect- intuition, thought, vast-small alteration event in nature, uninterrupted philosophy ideas and it can express fantasy. They are an essential for to educate currently person on patriotism.

Калит сўзлар: жанр, монументал, колорит, визуал контакт, тектоника, қадрият, миллий замин кўникма

Миллий-маданий мерос, шу жумладан, адабиёт ва санъат барча даврларда ҳам инсонларни, хусусан ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларга аждодлар анъаналарини етказиш воситаси бўлиб келган. Айни вақтда улар инсонларга миллий ўзлиқни англатиш, Ватан ва миллатга бўлган меҳр-муҳаббатни қарор топтириш, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда алоҳида ўрин тутди.

Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топишда истиснод эгалари ўз асарларида янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган

муқаддас тушунчаларни- Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик каби ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади.

Тасвирий санъат асарлари инсоннинг қалбига ҳаловат бахш этиб, унинг ҳиссиётларини уйғотади. Хусусан маҳобатли рангтасвир инсоннинг мураккаб ақл – заковати, тафаккурини, табиатда содир бўлиб турадиган катта – кичик ўзгаришларни, узлуксиз фалсафий ғоялар ва фантастик образларни таъсирчан ифодалашга қодир. Унда ҳодиса, воқеа ва кўринишлар доирасининг тўлалиги турли йўналишдаги жанрлар орқали очиқ берилади.

Ўтмишдаги ота-боболаримиз яратган санъат асарлари, уларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса ўша давр ижодкор одамларининг ҳаёти ва ижоди фақатгина ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб қолмай, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Халқимиз қалбига йўл топишда санъат асарлари ҳар томонлама таъсирчан, қудратли кучга эга. Уларнинг вазифаси миллионлаб одамлар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиш, уларнинг интилишларини, туйғу ва тафаккурларини ифодалаш, кишиларнинг маънавий ахлоқи воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Маҳобатли санъат ривожига мана шу асосий йўлдан кетади.

Монументалист рассомнинг асарини китобга қиёс қилса арзийди. Биз китоблар орқали маълум бир даврда содир бўлган воқеа ва ҳодисаларни билиб оламиз. Деворий суратлар ишловчи рассом эса муҳим воқеаларни қаср ҳамда қошоналарнинг деворига рангли бўёқлар воситаси-ла нақш этади. Бу бўёқлар бизни тасвирий санъатнинг ўзига хос жиҳатлари, анъаналари билан таништирибгина қолмай, борлиқни, воқелиқни акс эттиради, инсонлар ҳаётининг турли қирраларини, ташвиш ва ўй-хаёлларини ифодалайди, уларнинг шодлику қувончларини тараннум этади.

Маҳобатли санъатнинг инсон руҳини тарбиялашдаги, янги авлодга таълим ва тарбия бериш ишидаги аҳамияти катта. Ҳар бир жамият шахс маданиятини камол топтиришда ўзининг меъёрий қадриятларини белгилайди ва шахснинг маънавий эҳтиёжларини таъминлайди. Жамият билан шахснинг ўзаро мунасабати, шахснинг эркинлиги, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, инсоний қадриятлар ҳақидаги муаммо барча тарихий даврлардаги муҳим масала ҳисобланган. Шундай экан, бу санъат турининг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёсдир.

Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданок, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий тарбияни такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов айтганидек, “Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт- жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият- маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айти пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак” (“Баркамол авлод орзуси” 85-бет).

Деворий рангтасвир асари қайси услубда бажарилган бўлмасин, биз аввало асар сюжетини кўздан кечириб, қандай нарса тасвирланган, қаҳрамони ким, бу воқеа қачон бўлиб ўтганлигига қизиқамиз. Шундан сўнг мусаввирнинг услубини, у ёки бу нарсани қандай тасвирлаганлигини, бўёқни қандай қўллаганлигини (суркаб ёки оқизиб) ва у танлаган колоритни кузатамиз. Шундай экан, тасвирдаги кайфият ва унинг ҳиссиётга таъсири ранг танлашга боғлиқ бўлади. Тасвир колорити-қувончли ва қайғули, беозор ва ташвишли, жумбоқли ва ошкора бўлиши мумкин.

Мусаввир рангтасвир воситалари кўмагида бетакрор ижод асарлари яратиб, бизни ҳайратга солади, дилимизга қувонч бағишлайди, турли

кечинмалар орқали руҳимизни озиқлантиради ва ўз маҳорати билан сирли фикрларига ошно қилади. Бундан ташқари мафкуравий илғор ғояларни, тарих ва миллий маданиятимизни акс эттириши янада долзарбдир. Масалан, қисқа муддат билан юртимизга ташриф буюрган сиёсий арбоблар, меҳмонлар авваламбор, барча халқларга бирдек таржимасиз тушунадиган санъат тили билан яратилган бойлигимиз- меъморий ёдгорликлар, маҳобатли ва дастгоҳли рангтасвир, меъморий ҳаёкалтарошлик мажмуалари, санъат музейларини томоша қиладилар.

Шу жиҳатдан қараганда шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб турган меъморчилик биноларида ўз ифодасини топган маҳобатли рангтасвир асарларининг бугунги замон кишисини, хусусан ёшларни миллий маънавият руҳида тарбиялашдаги ўрни катта.

Миллионлаб одамлар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиш, уларнинг интилишларини, туйғу ва тафаккурларини ифодалаш, уларнинг ғоявий бойиши ва маънавий ахлоқи воситаси бўлиб хизмат қилиш,- бугунги санъатимиз вазифаси шундай белгиланган. Маҳобатли санъат ривожини мана шу асосий йўлдан кетади.

Ҳозирда халқ усталари билан бир қаторда монументалчи рассомлар ҳам монументал тарғиботни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистонда ўзининг етарлича ривожига эришган деворий монументал тасвирий санъат халқимиз қалбига йўл топишда ҳар томонлама таъсирчан, қудратли кучга эга.

Давлатимиз куч-қудратини, халқимизнинг тинч-осуда турмушини, Ватан ва миллатга бўлган меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи маҳобатли рангтасвир асарлари бунёд этилаётган улуғвор иншоотлар деворларини безабгина қолмай, эзгулик ва инсонийлик ғоялари билан йўғрилган ҳолда маънавий юксалишга хизмат қилмоқда. Бу борада кейинги йилларда яратилган кўплаб деворий суратларни келтириш мумкин.

Муқаддас заминимизда неча азиз авлиёлар, улуғ кишилар яшаб ўтганлар. Улуғ аجدодларимиз тарихини, уларнинг қилган ишларини, диний ва

дунёвий билимлар соҳасидаги фаолиятларини баён қилувчи кўплаб китоблар ёзилган. Бу китобларни ўқиб, ўтмиш ҳаёти, ота-боболаримиз тарихини яхши билиб олишимиз мумкин. Лекин тасвирий санъат асарлари орқали инсонда визуал тасаввур ҳосил бўлади. Шу сабабли маҳобатли рангтасвир асарлари томошабинга кучлироқ таъсир кўрсатади. Айниқса оддий инсон кўп марта мутолаа қилиб тушунмаган нарсани рангтасвир асарларини кўриб тушуниши, осонроқ мушоҳада қилиши мумкин.

Буюк аждодлар, улуғ даҳоларимиз ҳаёти, буюк ишларини тасвирловчи кўплаб маҳобатли асарларни келтириш мумкин. Навоий вилоятининг Челак туманида жойлашган имом ал Бухорий мажмуасида бунёд этилган музей залининг баланд девори учун ишланган деворий композиция рассом Алишер Алиқулов томонидан бажарилган. Ушбу рангтасвир асари катта ўлчамли, узунлиги 45, баландлиги 2,80 метрга эга бўлиб, унда имом ал Бухорийнинг ислом дунёсидаги ўрнини, ҳаёти, илмий, диний фаолиятини очиқ беришга ҳаракат қилинган. Узун, давомли тасвирда Бухорийнинг ёшлик давларидан бошлаб ўсмирлиги, илм олиш мақсадида қатор ислом мамлакатларига боргани, улуғ шайх, дин уламолари билан мулоқотда бўлгани таъсирчан тарзда ифодаланган. Ўша давр воқеа ва кўринишлар доирасининг тўлаллиги турли воситалар орқали очиқ берилган. Асарни кўздан кечирган одамда Бухорийнинг босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли билан визуал контакт ҳосил бўлади дейиш мумкин. Томошабин аждодларимиз ишларининг нақадар улуғлигини фаҳмлайди, унда ўз миллатига нисбатан ҳурмат, фахр ҳисси пайдо бўлади.

Тарихан шаклланган, ҳозирда ўз ривожига эришган маҳобатли санъат соҳасида ижод қилаётган рангтасвирчи рассомлар бу каби катта тарбиявий аҳамиятга молик кўплаб рангтасвир асарларини яратмоқдалар. Бу асарларда ифодаланган тасвирлар, илгари сурилган ғоялар, қолаверса тарихий давлар одамларининг ҳаёти ва ижоди ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлиб, ҳозирги замон кишисини миллийлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялайди.

Маҳобатли санъат асарлари буюк ғоявий мазмуни ва аҳамияти билан ажралиб туради, омма орасида муҳим ижтимоий ғояларни тарғиб қилади ва

таркатади. Улар халқимиз қалбига йўл топишда ҳар томонлама таъсирчан, қудратли кучга эга.

Ҳар қандай маҳобатли рангтасвир асарининг дастгоҳли рангтасвирдан фарқи, у бевосита бинолар девори учун ишланади. Замонавий архитектура бинолари янгича тектоник тузилишга эга бўлиб, улар маҳобатли рангтасвир рассомларидан мураккаб, янги вазифаларни ечишни талаб қилади. Бугунги кунда маҳобатли рангтасвирчиларнинг ижод воситаларининг янги имкониятларини қидириб топишга бўлган ёндошувлари сезиларли даражада фаоллашди. Маҳобатли рангтасвир усталари шаҳар эстетик қиёфасини шакллантиришда фаол иштирок этмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Худойберганов Р.А. Композиция. «Шарқ» Т. 2007
3. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар) //Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, Н.Жўраев, Т.Қўзиев ва бошқ. Илм. муҳар.: А.Ҳакимов. – Т.: Шарқ 2001.